



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 26 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (11.351)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҚАДИМИЙ ҚАРДОШЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

### АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАКЛИФИГА БИНОАН ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар бир-бирига боғлаб туради. Ўзбек ва туркман азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб, тўй-томшаларида меҳмон бўлиб катнашиб келди. Аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ҳам халқларимизнинг умумий мулки саналади.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янги замон руҳида ривожлана бошлади. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2007 йилнинг октябр ойида давлат ташрифи билан Туркменистонга борди. 2008 йилнинг март ойида эса Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

25 февраль куни Дўрмон қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олтидан ўтдилар.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов яккама-якка суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда икки томонлама алоқалар Президент Ислам Каримовнинг 2007 йилда Туркменистонга давлат ташрифи асосида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартномага мос равишда тараққий этмоқда. Бу муносабатлар қўламини янада кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш учун барча имкониятлар етарли.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама қилар экан, қўрилган барча масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки яқинлиги аён бўлди. Бу икки томонлама ишончли муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ишонч эса ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омилдир.

Сиёсий соҳада мамлакатларимизни ўзаро яқинлаштирадиган жihatлар талай. Бу Ўзбекистон ва Туркменистоннинг тинчликпарвар ташқи сиёсати, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашидир.

Иқтисодий ҳамкорликнинг қўламини кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланиб, хоржий сармоядорлар билан ёқилги-энергетика мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтирди. Мамлакатларимиз бу соҳада икки томонлама ҳамкорлик баробарлик кўп томонлама лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим бўғини транспорт коммуникацияларидир. Ўзбекистон

худуди орқали Туркменистонга, Туркменистон худуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимиз учинчи давлатлар учун транзит ва зифасини ҳам ўтади. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдор.

Президентлар минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар. Ислам Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий куч ишлатиш билан вазиятни барқарорлаштириб бўлмаслигини, кенг қўламли халқаро ёрдам асосида иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, минтақада интеграция жараёнларини ривожлантириш, жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини юмшатиш масалалари юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашдилар.

Президентлар музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига қиради. Энергия манбаларига талаб йил сайин ошиб бораётган ва жаҳон иқтисодий инқирози ҳукм сураётган ҳозирги шароитда мамлакатларимизнинг бу соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиши фойдали муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон, Россия, Қозғоғистон ва Туркменистон ўртасида Каспийбўйи қувурини барпо этиш юзасидан келишувга эришилган. Ўзбекистон ўз худуди орқали ўтадиган Туркменистон — Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Икки лойиҳа ҳам Ўзбекистон ва Туркменистоннинг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бироқ бу чегара эмас. Соҳага биргалликда сармоя жалб этиш орқали, яъни йирик халқаро консорциумлар тузиш йўли билан Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ соҳасида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Бу нефть-газ саноати келтирадиган даромадни бир неча ҳисса ошириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркменистонга сиёсий ва гуманитар манфаат ҳам келтиради. Чунки шу орқали давлатларимизнинг ҳамжихатлиги мустаҳкамланади, икки томонда янги иш ўринлари, янги инфратузилма иншоотлари барпо этилади.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро транзит юк ташвиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилгига мамлакатларимиз худуди орқали ташиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркменистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Кишлоқ хўжалиги ҳам устувор соҳалардан. Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвадорлик соҳасида бой тажрибага эга. Икки мамлакат селекция соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқда. Замонавий кишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали. Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган ағросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим бунинг учун ҳуқуқий асос бўлади. Бу ҳужжатда Ўзбекистондан Туркменистонга кишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш ҳам назарда тутилган. Мухтасар айтганда, мамлакатларимиз нафақат зонавий кишлоқ хўжалиги технологиялари борасида тажриба алмашиши, айни пайтда агро-техникага оид янгилашлар бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиши ҳам мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 25 февраль куни пойтахтиимиздаги «Ўзэкспомарказ»га ташриф буюрди. Бу ерда Туркменистон Миллий кўرғазмасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари Президент Ислам Каримовнинг 2007 йил октябр ойида Туркменистонга давлат ташрифи асосида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистоннинг саноат соҳасидаги ҳамда инновацион салоҳиятини намойиш этувчи маъруза кўрғазма келгусида Ўзбекистон — Туркменистон савдо-иқтисодий муносабатлари янада раванқ топишига, икки томонлама ҳамкорликнинг янги қирраларини кашф этишга хизмат қилишини таъкидладилар.

2008 йили Ашхобода Ўзбекистон Республикаси Миллий кўрғазмаси ўтказилди. Унинг доирасида Ўзбекистон ва Туркменистон корхоналари ўртасида ўнлаб шартномалар имзоланди.

## ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРҒАЗМАСИ

Туркменистоннинг турли соҳаларда фаолият юритувчи компания ва корхоналари юртимизда ўтказиладиган кўрғазма-ларда фаол иштирок этиб келмоқда. Туркменистон Миллий кўрғазмасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон ва Туркменистоннинг фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятларини ишга солишдан иборатдир. Бу тадбир иш одамларининг икки мамлакат салоҳияти ҳақидаги маълумотини ошириш имконини беради.

Кўрғазмада «Гап туркмен», «Ениш», «Туркмен атлари», «Балкандокма», «Туркменхали» каби ўндан зиёд компания, уюшма ва корпорациялар, транспорт, алоқа, энергетика, кимё, фан-таълим, маданият, тиббиёт, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳалари учун маъсул вазирлик ва идоралари тизимиде фаолият кўрсатувчи қирқдан зиёд корхона ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда.

Кўрғазмада Туркменистоннинг тўқимачилик корхоналари ўз маҳсулот ва хизматлари билан катнашмоқда, — дейди Туркменистон тўқимачилик саноати вазирлигининг «Алтин Асир» маркетинг маркази директори Майя Қараханова. — Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг миллий матолар, кийим-кечаклар, чойшаблар юқори сифати, қўлайлиги ва экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиздаги шериклар билан ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Тадбир доирасида бу ердаги корхоналар билан муайян битимлар имзолашни режалаштирғанмиз. Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорлигимиз келгусида янада мустаҳкамланишига ишонамиз.

Кўрғазмада Туркменистон корхоналарида ишлаб чиқарилган тўқимачилик, кимё, кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари, мебель ва мебель фурнитураси, қўрилиш материаллари, иқтисодийнинг турли соҳаларида ва уй-рўзгор ишларида қўлланиладиган қўрилма ва буюмлар, транспорт ва алоқа ускуналари билан танишиш мумкин. Бу ердаги товарлар хилма-хил бўлиб, улар орасида фармацевтика ва микробиология маҳсулотларидан кимёвий толагача учратиш мумкин.

— Корхонамиз заргарлик буюмлари ва миллий безаклар тайёрлаш билан шуғулланади, — дейди «Туркменалтин» компанияси вакили Огулбай Бяшимова. — Мақсадимиз Ўзбекистон халқини миллий маданиятимиз, анъана ва қадриятларимиз билан яқиндан таништиришдан иборат. Компаниямизнинг зёб-зийнатлари Ўзбекистон аёлларининг ҳуснига ҳусн қўша, меҳнатимиз зое кетмаганидан хурсанд бўлардик. Ушбу кўрғазма ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконини беради. Юртимиздаги ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли шартномалар имзоланган ниятидамыз.

Туркменистон Миллий кўрғазмаси икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,  
Анна ИВАНОВА,  
ЎзА мухбирлари

**XXI АСР  
САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий шаҳрида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда қабул қилинган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Навоий вилоятида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

● Нукусда ЮНЕСКО ташкилоти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети олимлари ва соҳага дахлдор жамоат ташкилотлари ҳамда Куйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ходимлари иштирокида Оролбўйида сув захираларидан оқилонга ва тежамли фойдаланишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Бухоро вилоятининг Рометан туманидаги «Тарнаут» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Куйи Араблар ва Хўжаобод қишлоқларига тортилган қувурлардан тоза ичимлик суви кела бошлади. Бу қўлайликдан 345 хонадон баҳраманд бўлди. Ҳозирда тумanning «Челонгу» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги учта қишлоққа ҳам узунлиги 8 километр бўлган сув қувурлари ётқизилмоқда.

● Шу йилнинг апрель ойида Термизда кураш бўйича ат-Термизий хотирасига бағишлаб Президент соврини учун анъанавий халқаро турнир ўтказилди. Айни пайтда вилоятда тўққизинчи мартаба бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақага ҳозирлик ишлари бошлаб буюрилган. Турнир ўтказиладиган «Алломиш» стадионида қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмақда.

● Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабга уюшмаси Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида республикамиздаги мавжуд 30 га яқин қурилиш ташкилотларининг бошланғич касабга уюшма кўмита раислари иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган спорт федерацияларининг сони яна биттага кўпайди. Осиё ўйинлари ва бошқа қатор нуфузли мусобақалар дастуридан жой олган боулинг спорт тури бўйича федерация расман ўз фаолиятини бошлади.

## ЖАҲОНДА

● Франция Президенти Николя Саркози ва Италия Бош вазир Сильвио Берлусконни атом энергетикаси соҳасида ҳамкорлик юзасидан битим имзолашди. Унда Италияда тўртта янги АЭС қурилиши кўзда тутилган. Режага кўра Италиядаги дастлабки атом электр станцияси 2020 йилда фаолият кўрсата бошлайди.

● Бельгия, Нидерландия, Германия ва Испания ташқи ишлар вазирлари Черногорияга Европа Иттифоқи аъзоллигига номзодлик макомини бериш тақдирини маъқулламадилар. Уларнинг айтишларича, бу масалани муҳокама этмай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

● АҚШ парламентининг вакиллар палатаси 2009 йилда ҳукуматнинг фаолият кўрсатиши учун 410 миллиард доллар микдоридеги маблағ ажратилишини маъқуллади.

● Жаҳон савдо биржаларида нефтнинг нархи 6 фоизга кўтарилди.

● Фалатин мухториятининг ФАТХ ва ХА-МАС гуруҳлари оммавий ахборот воситалари орқали бир-бирларини қораламасликка келиши олдидан.

● Грузиянинг муҳолифатдаги «Грузия номидаги альянси мамлакат президенти Михаил Саакашвилига навбатдан ташқари президент сайлови ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ўн кун ичида умумхалқ референдуми ўтказиладиган мuddатни белгилаш талабини кўйди.

● Амстердам шаҳридаги Схипхол халқаро аэропортида Туркиянинг «Turkish Airlines» авиакомпаниясига тегишли «Boeing 737-800» йўловчи самолёти кўнш вақтида ҳалокатга учради. Кучли зарб оқибатида ҳаво лайнери учга бўлиниб кетган. Фожеа натижасида ўн киши ҳаётдан кўз юмган, 25 нафар йўловчи оғир аҳволда касалхоналарга ётқизилган. Тахминларга кўра, самолёт ёнилги тугаб қолиши натижасида ҳалокатга учраган.

● Шимолий Американинг Манхеттен шаҳрида жойлашган 6 қаватли уйда чиққан ёнғин натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, 28 нафар яшовчи куйиш тан жароҳатларини олди. Кўп қаватли уйнинг ўзи эса бутунлай кулга айланди. Ҳозирда ёнғин сабаблари аниқланмоқда.

● Парижда машҳур дизайнер Ив Сен Лоранга тегишли буюмларнинг ким ошди савдоси бўлиб ўтмоқда. Савдодаги 730 та лотдан Гойя, Пикассо ҳамда Матисс сингари машҳур рассомларнинг суратлари, ноёб қадимий хайкалчалар ва бошқа осори-атиқалар ўрин олган бўлиб, савдоларнинг биринчи кунидеяқ рекорд натижа ўрнатилди — Матисснинг машҳур бир сурати 32 миллион еврога сотилди.

## ПОЙТАХТНИНГ Бир КУНИ

### Каска сатрларда

● КЕЧА Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Но-тиклик санъати» мавзусидаги қўриқ-

танлов уюштирилди.

● КЕЧА Тошкент Давлат аграр университетиде ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган тадбир «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг аҳамиятига бағишланди.

● КЕЧА Тошкент авиасозлик касб-хўнар коллежида «Фавкулд-

да вазиятлар — ёшлар нигоҳида» мавзусида Республика Фавкулдда вазирлик вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● КЕЧА Сергели туманидаги Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хўнар коллежида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, ниқоҳ ёшидаги йигит-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● БУГУН Миробод туманидаги Мирзо Улуғбек номи маданият уйида ёш рассомлар тўғраги аъзолари томонидан яратилган «Сехрли ранглар жилоси» деб номланган расмлар кўрғазмаси санъат илосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

● БУГУН Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хўнар коллежида «Радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва

спорт ишлари бўлими, Республика «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими ҳамкорликларида юқори синф ўқувчилари иштирокида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Бутундунё ёшлари бирлашамиз» деб номланди.

● БУГУН Тошкент маданият коллежида бастакор, хонанда, созанда, Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодида бағишлаб ўтказилган «Ражабий-хонлик кечаси» тадбирида ўқувчилар, ўқитувчилар, санъаткорлар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҚАДИМИЙ ҚАРДОШЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айлиниб бораётган сайёҳлик ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Бу борадаги ҳамкорлик икки томонлама сайёҳ алмашувини ривожлантириш, халқ хунармандлиги буюмларини тайёрловчи усталарнинг меҳнатини рағбатлантириш ва даромадини ошириш баробарида учинчи давлатлардан келган сайёҳ жалб қилишга хизмат қилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга келган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчасига сайёҳлик компанияларининг биргаликда маркетинг тадқиқотлари ўтказиши орқали эришиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам асос яратилади.

Ўзбекистон Туркменистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улardan тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Туркменистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. Албатта, икки томонлама савдодаги товарлар рўйхати бундан анча катта. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 132,3 миллион АКШ долларини ташкил қилди. Бу рақам 2007 йилдагига нисбатан 38 фоиз кўп бўлса-да, ҳали Ўзбекистон ва Туркменистон имкониятлари даражасида эмас.

Қўшма корхоналар сони ҳам икки томонли қониқтирмайди. Нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, транспорт, сайёҳликдан ташқари кўплаб бошқа соҳаларда ҳам қўшма корхоналар ташкил этиш мумкин. Улар сирасига ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик ва бошқа соҳалар киратади.

Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлигининг янги йўналишларини очиб ва ривожлантириш Савдо-иқтисодий, илмий-технавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳужжатлардан қўшма комиссия зиммасига юкланган. Сўнгги йилларда Президентлар ташаб-

буси билан ушбу комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтказиб келмоқда. Хусусан, Ҳукуматларо қўшма комиссия 2008 йилнинг январда Ашхободда, жорий йилнинг 12 февраль кунини Тошкентда мажлис ўтказди. Келишувга биноан, унинг Ашхободдаги мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий кўрғазмаси ташкил қилиниб, унда бир юз ўттиздан зиёд фирма ва компания иштирок этди, иш одамлари ўртасида бевосита мулоқотлар бўлиб ўтди. Туркменистон томонидан айни шундай кўрғазма Гурбангули Бердимухамедовнинг Тошкентга ташрифи асносида очилди.

Музокарада гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик, аънавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари бир-бирининг адабиётини, маданиятини ва санъатини яхши билади. Биргина мисол, Ўзбекистонда Махтумқули, Туркменистонда Навоий асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, деса бўлади.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг маданияти ва санъат намояндалари икки мамлакатда ташкил этиладиган фестивал, кўрғазма ва форумларда мунтазам иштирок этиб келади. Хусусан, туркменистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтайдиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Президент Исло Каримовнинг 2007 йил октябрь ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи асносида 2008-2010 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинган. Музокарада ушбу дастур ижросининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Исло Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон-Туркменистон Қўшма баёнотида имзо чекдилар. Мамлакатларимиз ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташини давом эттириш учун топшириш тўғрисида шартнома, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик, давлатлар ҳудудларидага гайриқонуний тарзда ҳозир бўлган шахсларни қабул қилиш-топшириш, Ўзбекистон-Туркменистон давлат chegarасида chegarа комис-

сарларининг фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларро битимлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркменистон Давлат chegarа хизмати ўртасида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Туркменистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга протокол, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Туркменистон Давлат туризм ва спорт ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Исло Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар, кўриб чиқилган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг нуктаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини яна бир тасдиғи бўлди, — деди Исло Каримов. — Бугунги музокаралар ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида икки мамлакатнинг интилишлари муштарак эканини яна бир бор намоён этди.

Мамлакатимиз раҳбари музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захиралидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилганини маълум қилиб, трансчегаравий дарёлар бўйида ҳар қандай гидротехник иншоот барпо этиш учун қўшни давлатлар билан келишиш, халқаро ҳуқуқ мезърларига риоя қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон бизнинг муҳим ва ишончли шергимиздир, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Туркменистонда Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият берилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тобора ошмоқда, иқтисодий, маданият ва санъат, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқалар кенгаймоқда. Ри-

вожланиб бораётган Туркменистон-Ўзбекистон муносабатларини юксак қадрлаймиз.

Дўрмондаги расмий тадбирлар ниҳоясига етгач, Ўзбекистон Президенти Исло Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонидаги ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хуррияти-миз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди, мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Исло Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, Туркменистон миллий кўрғазмасининг очилиш маросимида иштирок этдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларидан хабардор бўлиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини ўрганишда ишбилармонларнинг бундай анжуманларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг 2008 йилнинг март ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида ушбу мамлакат элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилган эди.

Исло Каримов элчихонанинг янги биноси ўзининг кўриниши ва салобати билан ажралиб туришини, ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Туркменистон муносабатларини акс эттиришини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Тошкентда Туркменистон элчихонасининг янги биноси фойдаланишга топширилгани ўзаро муносабатларда янги босқич бошланганидан дарак беришини қайд этиб, бундан буён бу ҳамкорлик янги суьратлар билан ривожланишига ишонч билдирди.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Исло Каримов кузатиб қўйди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА махсус мухбири**

## ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИК ОМИЛЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚўВВATЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МўЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҳИМ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИГА БАғИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҳҚАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРГА БАғИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ БўЛИБ ўТДИ.**

Қўмита раиси вазифасини бажарувчи Б.Улашов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган эркин ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш сиёсати ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Хусусан, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, молиявий ночор ва истиқболсиз, зарар кўриб ишлаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Банкротлик тартибининг самарали қўлланилиши натижасида иқтисодий ночорликка тушиб қолган корхоналар негизда янги мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган йили ана шундай ишлаб чиқариш субъектларида ўн мингга яқин янги ишчи ўрни яратилди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг хомаш ё ва материаллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, янги ҳўжалик юртувчи субъектларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилаётган маъмурий ва молиявий тўсқинларни бартараф қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда қўмитанинг фаол иштироки зарурлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар қайтарилишини кўриб чиқиш, қатъий тежамкорликни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва маҳсулот таннаҳини пасайтириш ҳисобига корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тизимли мониторинг ўрнатилиши зарур.

Хозирги кунда қўмитанинг асосий диққат-эътибори монопол маҳсулотлар нархлари, айниқса, муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари — усимлик ёғи, ун, шакар ва ҳокзаларнинг нархлари динамикасини кузатиб боришга қаратилган. Ушбу мақсадда қўмита томонидан харажатлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган монопол корхоналар ва маҳсулотлар турларининг рўйхати тузилди. Бу келгусида нархларни янада пасайтиришга кўмаклашади.

Йиғилишда банкрот корхоналарни тугатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, уларнинг хизмат кўрсатиш соҳаларидаги улушини қўпайтириш борасидаги зарур ишларга эътибор қаратилди. Қўмитанинг бу борада камчиликларга йўл қўйган Бухоро, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботи тингланган ва муҳокама қилинди.

Ҳайъат йиғилишида 2009 йилда қўмита ва унинг ҳудудий органлари олдида турган асосий вазифалар белгилаб олинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

## МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИР

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРФИБОТ МАРКАЗИДА ХАЛҚАРО ОНА ТИЛИ КУНИГА БАғИШЛАБ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ўТКАЗИЛДИ.**

2000 йилдан буён ҳар йили 21 февраль Бутунжаҳонда халқаро она тили кунини сифатида кенг нишонланади. Бундан қўзланган асосий мақсад ҳар бир тилининг ўзига хослигини сақлаш, маданият хилма-хиллигини намойиш этишга қаратилган.

Дарҳақиқат, тил дил қалити, миллат кўзгуси. Шу боис ҳар бир инсон маълум бир диёрда ўсиб-ўлғаяр экан, ўз она тилини билмоғи ҳамда уни эъзозламоғи лозим. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ тилимизни қайта тиклашга ҳамда уни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳам ўз она тилларини ўрганишлари ва ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар дунёда тиллар, миллатлар кўпчилигини, аммо шубҳасиз, ҳар бир миллат вакили учун энг қадри ва эъзозлиги бу ўз она тили эканлигини алоҳида қайд этишди. Чунки ҳар қайси миллатнинг тарихи, чинакам маънавий бойлиги тил воситасида юзага чиқади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда барча миллат вакиллари учун миллий маданий марказлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти Республика Байналмилал маданият маркази томонидан мувофиқлаштирилади.

Халқаро она тили кунига бағишлаган тадбирда таъкидланишича, дунёда олти минг хилдан ортиқ сўзлашув тили бўлиб, уларнинг деярли ярми йўқолиб кетиш арафасида турибди. Шу боис уларни асраб-авайлаш, она тилининг қадр-қимматини ёш авлодларга етказишда ҳар бир инсон фаол бўлмоғи лозим.

**Сурайё МЕЛИКУЛОВА,**  
**«Туркунт-пресс»**

**ЭРОН ПОЙТАХТИДА МАМЛАКАТИМИЗГА БАғИШЛАНГАН ФОТОКўРГАЗМА БўЛИБ ўТДИ. ТОШКЕНТ ШАҳРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИР ЎЗБЕКISTONНИНГ ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ТЕХРОН УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОРИ Б.АМИРАХМАДИЁН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ўТКАЗИЛДИ.**

## ФОТОКўРГАЗМАДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАДАНИЙ ВА МЕЪМОРИЙ ёДГОРЛИКЛАРИ

Кўрғазмадан халқимизнинг бой маданий-маърифий мероси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги тарихий обидалар, маданий ва меъморий ёдгорликлар, тасвирий санъат ва миниатюранинг турли йўналишларини акс эттирувчи фотосуратлар ўрин олди. Шунингдек, халқимизнинг буюк аждодлари — Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Пахлавон Маҳмуд каби сиймоаларга бағишланган суратлар ҳам намоийш этилди.

Кўрғазмадан очилиш маросимида таниқли тарихчилар, маданият арбоблари, олим ва профессорлар, Техрондаги етакчи олий ўқув юрталари илмий ходимлари ва талабалари, журналистлар иштирок этишди.

Кўрғазма ташкилотчиларидан бири профессор Б. Амирахмадиён кадимги Мовароуннахр ҳудудида жойлашган Ўзбекистон минтақанинг энг жозибали мамлакат эканлигини таъкидлади. «Меъморий ёдгорликларининг том

маънодаги хазинаси бўлган бу замин ўзининг қадимий шаҳарлари билан бутун дунёга машҳурдир», — деди олим.

Тадбир иштирокчилари эътиборига мамлакатимизда Президент Исло Каримов раҳбарлигида тарихий ёдгорликларни тиклаш ва асраб авайлаш, уларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Ўзининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган кўҳна ва навқирон Тошкент айна кўчаларда янада чирой очиб бораётгани таъкидланди. Тайёргарлик ишлари доирасида шаҳарнинг диққатга sazовор жойларини ободонлаштириш, бўлажақ тантаналарни энг юқори даражада ўтказиш учун барча шароитларни яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**«Жаҳон» АА,**  
**Техрон**

чиқиб йиғилганлар билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқладилар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давра суҳбатида аёллар айна вақтда нафақат ижтимоий, иқтисодий, балки сиёсий жараёнларида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлиги, айниқса сайлов жараёнларида хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар билан ўтган ушбу анжуман барчада яхши таассурот қолдирди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

## БЕРЛИНДА ЎЗБЕКISTON САЙёҳЛИК САЛОҳИЯТИГА БАғИШЛАНГАН ДАВРА СУҳБАТИ

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ЮРТИМИЗ САЙёҳЛИК САЛОҳИЯТИГА БАғИШЛАНГАН ДАВРА СУҳБАТИ БўЛИБ ўТДИ.**

Унда Германия ва Швейцариянинг «Studiosus Reisen Mьnchen», «Gebeco», «Lernidee Erlebnisreisen», «Sicker Reisen», «Ventus Reisen», «VS Studienreisen», «Welweitreisen», «ReiseZeit», «Indo Orient Tours», «Traveltegment AG», «Hansaluxtravel AG» каби етакчи туристик фирма ва компаниялари, шунингдек, сайёҳлик соҳасига ихтисослашган бир қатор нашрлар ва сугурта агентликлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистон сайёҳлик соҳасининг хозирги аҳоли, мамлакат ҳукумати томонидан уни ривожлантириш ва ушбу йўналишда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишди.

Давра суҳбати доирасида иштирокчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳқамаси мажлисидаги маърузасининг асосий

мазмуни билан таништирилди. Учрашув қатнашчилари ушбу маъруза ўз моҳиятига кўра Ўзбекистон иқтисодиётининг, жумладан, сайёҳлик соҳасининг модернизацияси ва барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги асосий вазифаларни бажаришнинг ўзига хос дастури эканини таъкидладилар. Мамлакат ҳукумати томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар туризмни маблағ киритиш учун ниҳоят-да жозибали соҳага айлантириб, Ўзбекистон билан маъмурий вазифаларни бажаришнинг ўзига хос дастури эканини таъкидладилар.

Тадбирда сўзга чиққан «Studiosus Reisen Mьnchen» компанияси минтақавий менежери П. Штруб, «Gebeco» агентлиги ижрочи директори П. Клуби, «Ventus Reisen» директори Р. Херберт, «Indo Orient Tours» Швейцария фирмаси раҳбари М. Сингупта, «Lernidee Erlebnisreisen» компанияси менежери Т. Бюттнер ва бошқалар 2008 йилда Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқими сезиларли даражада кўпайганини қайд этишди. Улар, шунингдек, глобаллашув,

транспорт оқимининг кенгайиши ва туризм соҳасидаги кучли рақобат шароитида Ўзбекистон қисқа вақт мобайнида ўзининг бой сайёҳлик салоҳиятини намоён этиб, бутун дунёга машҳур бўлган Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар орасида сайёҳларни жалб қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келатганини таъкидладилар.

Давра суҳбати доирасида Германия ва Швейцария туристик фирмалари раҳбарлари Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор экани ва жорий йил март ойида Берлинда бўлиб ўтадиган йirik халқаро туристик ярмаркасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдирини биргаликда ўтказиш истагини билдиришди.

Учрашув якунида Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳамда юртимизнинг тарихий қадимжолари ҳақида ҳикоя қилувчи мамлакатимиз туроператорлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистонга хуш келибсиз» ҳужжатли фильми намоийш этилди.

**Шухрат УМИРОВ,**  
**«Жаҳон» АА,**  
**Берлин**

## Анжуманлар

### ЖАМИЯТДА Аёлларнинг ўрни

**МУСТАқИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҲАР СОҳАДА ОЛИБ БОРИЛАётган ИСЛОҳотлар ЖАРАёНИДА Аёлларнинг ўрни, МАВқЕИ ВА ШУНГА ЯРАША ҚўШАётган ҲИССАЛАРИ ҲАМ ОРТИБ БОРМОқДА.**

лов бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларда аёлларнинг тутган ўрни ва уларнинг фаол олиб бораётган харажатлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек тадбирда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова «Туман хотин-қизларини ижтимоий — иқтисодий сиёсий жараёнлар-

нинг фаол иштирокчилари», ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, «Сиёсий таълим» маркази раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Божонова «Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримовнинг Республика Конституцияси қабул қилинганлигини 16 йиллигига бағишланган тантанали ма-

росимдаги «Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз» маърузасида келиб чиқадиган ЎзЛиДеП вазифалари», Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди Гулнара Иномжонова «Сайлов жараёнларида аёлларнинг ўрни ва роли» мавзуларида

маъруза қилдилар. Яна давра суҳбатида «Дилбар — давр қизи» хусусий корхонаси директори Дилбар Ходжаева, «Фунча-Мед» клиникаси раҳбари Раъно Ходжимухамедова, «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Холида Бабахановалар «Аёл-сиёсатчи, лидер, тадбиркор» мавзуларида сўзга

Хусусан Шайхонтохур туманидаги II Республика тиббиёт коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент шаҳар ва Шайхонтохур туман Кенгашлари, туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ва тиббиёт коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида туман ҳокимлиги вакиллари, партия аъзолари ва тиббиёт коллежи ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлари иштирок этишди. Тадбирни киратиш сўзи билан очган II Республика тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Ади-



Натса Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Экология нуқтаи назаридан Тошкент шаҳри мураккаб экологик тизимдан иборат. Шаҳар 334 квадрат километрдан кўпроқ бўлган майдонни эгаллайди ва унда 2,3 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади. Пойтахтда 3500 дан ортиқ саноат корхоналари ва бошқа объектлар мавжуд бўлиб, унда 300 мингга яқин автотранспорт воситаларидан фойдаланилади.

Соҳага тегишли ташкилотлар атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув ҳавзалари, саноат ва автотранспорт ҳолати таҳлилин мунтазам равишда олиб борадилар.

Атмосфера ҳавосининг ҳолати шаҳар саломатлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Шаҳар атмосфера ҳавосининг унга ташланганидан чанг, олинтуртур диоксида, азот оксиди, аммиак, фенол билан ифлосланиш даражаси санитар-гигиеник меъёрлар атрофида.

Йўл ҳаракатининг оптималлаштирилиши, магистрал йўлларнинг кенгайтирилиши, йўл қопламалари сифатининг яхшиланиши, кичик халқа йўлининг, бир қатор йўл тугунларининг ечилиши ва йўл ўтказгичларининг қурилиши, шаҳар йўловчи транспорти паркларининг янгиланиши, уларнинг экологик хавфсиз ёқилиш турларига ўтказилиши ҳамда корхоналар ва шаҳар кўчаларида мунтазам олиб борилаётган ўлчов-назорат ишлари натижасида автотранспортдан чиқарилаётган чикинди газлар миқдорининг 1990 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд қамалишига эришилди.

Бунда шуни таъкидлаш жоизки, Тошкентда Мустақиллик йилларида ҳаракатдаги автотранспорт воситалари сони 1,8 бараварга ошганлигига қарамай (1990 йилдаги 160 мингдан, 2008 йилдаги 290 минггача), бир донна автомобилга тўғри келадиган ташламалар-

нинг солиштирма миқдори 2,5 мартага камайган.

Шунингдек, Тошкентдаги саноат корхоналари томонидан атмосфера ҳавосига чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдорини камайтириш бора-

### ПОЙТАХТ ТАБИАТИНИНГ ЯХШИЛАНИШ ОМИДЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗ АТРОФ-ТАБИИЙ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА МУАЙЯН ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ.



Умуман олганда, ҳозирги кунда шаҳарда беш миллиондан кўпроқ дарактлар мавжуд.

сида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилди. Натижада атмосфера ҳавосига чиқариб ташланаётган ифлослантурувчи моддалар миқдори 1990 йилга нисбатан уч баробарга қисқарди.

Пойтахтимиз экологик ҳолати ва саломатлиги кўп жиҳатдан уни таъминлаб турувчи сув ресурсларига ҳам боғлиқ. Аҳолининг марказлашган сув билан таъминланганлик даражаси 99 фоизни, канализация билан эса — 90 фоизни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1990 йилгача шаҳар сув ҳавзаларига 70 га яқин корхоналар ифлосланган оқова сувларини оқизган бўлса, уларнинг 50 дан ортиғи ўз саноат оқаваларини деярли тозаламасдан ташлашган.

Сўнгги ўн беш йил мобайнида саноат оқавалари ҳажми бир неча баробарга қисқартирилган бўлиб, ҳозирда улар умумий

пасаитиради, ҳаво ҳарорати ва қуруқлигини юмшатади.

Йирик яшил даҳалардаги яшил экинлар соясидидаги ҳаво ҳароратидаги фарқ оқиб кенгликдаги қарағана 16 ва ундан кўпроқ даражагача етади. Шунингдек, кўкчамзорлаштириш шунингдек, атмосфера ҳавосининг чангдан деярли тўлиқ тозаланишини таъминлайди (бир гектар аралаш ўрмонзор бир йилда 54 тоннагача чангни ушлаб қолиши мумкин), бунда ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинганлигини 40-45 фоизга пасаитиради.

Бугунги кунда барчага маълумки, шаҳарнинг яшил экинлари умумий ҳолати сўнгги йилларда сезиларли яхшиланди. Тошкент деярли йил бўли гуллайдиган шаҳарга айланган. Эрта баҳордан то кечки кузга қадар гуллар, буталар ва дарактларнинг ранг-баранг турлари кўзларни қувонтиради. Тошкентнинг кўкчамзорлаш-

тирилган майдони 15,2 минг гектарни ёки шаҳар ҳудудининг 30 фоизини ташкил этади. Белгиланган меъёр 1 кишига 50 м<sup>2</sup> ташкил қилган бир пайтда, пойтахтда ҳозирги кунда 1 кишига 69 м<sup>2</sup> яшил майдон тўғри келади. 1990 йилга нисбатан солиштирилган бўлса, 1 кишига тўғри келадиган яшил экинзор айланган бўлиб, улар ўсимлик, умуман атроф-муҳитга тозалик бўла бериши ва заҳираси кунларини салкинлик яратади.

Кўкчамзорлаштириш нуқтаи назаридан Тошкент шаҳарининг Бектемир, Учтепа, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари нисбатан муваффақиятли ҳисобланади. Бу туманларда 1 кишига 72,5 дан 108,6 м<sup>2</sup> гача яшил майдонлар тўғри келади. Яққасарой, Мирзо Улуғбек ва Сергели туманларида 1 кишига тўғри келадиган яшил майдон камроқ (34,5 дан 58,2 кв.м.гача).

Пойтахтнинг фаунаси ҳам ўзига эътиборни тортади. Шаҳар ҳудудида 270 турга яқин умуртқали ҳайвонлар, шу жумладан 15 турдаги балик, 12 турдаги судрали юрۇвчилар ҳамда 217 турдаги кушлар мавжуд. Бунда кўпчилик кушлар шаҳарнинг экологик ҳолатини кўрсатади.

Масалан, жиголтой ва тошқирғий шаҳар хиёбонлари ва боғлари учун уйғунлашувчи ва осойишталик индикатори, қамиш мошаги — сув ҳавзаларининг соҳиллари ва қамиш ўсимликлари ҳолатининг асосий индикаторларидан биридир, кўктароқ — сув тозаланишининг индикатори бўлиб ҳисобланади. Қорашакшақ ва зағилдорларнинг мавжудлиги — даракт-бута ўсимликларининг яхши ҳолатдалигини аниқлатади.

Сўнгги йилларда шаҳарда лайқаларнинг ин қура бошлаганини шаҳар экологисининг яхшиланишидан дарак беради. Тошкент ва унинг атрофида тинчлик, хотиржамлик, бахт ва фаровонлиқни акс эттирувчи ушбу кушларнинг 200 га яқин инлари мавжуд.

Каштан ва айникса игна баргли даракт экин майдонларининг қўлайлиги, тоза муҳит пойтахт боғлари, истироҳат боғлари ва хиёбонларида олмаҳонлар популярлигининг тарқалишига қўлай шароит яратди.

### Жаримачилар ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

ХТБ омбухона хўжалик мудир К.Рашидов таркибда симоб моддаси бўлган ишлатилган лампаларни жойлаштириш ва утиллаштиришда табиати муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 91/1-моддасига асосан 29000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

«Меҳри савдо» шўъба корхонаси бўлим бошлиғи А.Дехқонжаев автотранспорт воситаларидан чиқётган ифлослантурувчи моддалар миқдорини назорат қилмаганлиги ва автомашиналарни юқори миқдордаги зарарли моддалар билан фойдаланишга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 87/1-моддасига асосан 56100 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

«AGRO-INTER-SOF» қўшма корхонаси иқтисод бўлими бошлиғи Т.Анохина лойиҳани экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 96/1-моддасига асосан 29000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

«Олтин хирмон» МЧЖ хизматчиси М.Могилевский таркибда симоб моддаси бўлган ишлатилган лампаларни жойлаштириш ва утиллаштиришда табиати муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 91/1-моддасига асосан 60000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

«Олтин хирмон» МЧЖ директори Э.Франкель ифлослантурувчи моддаларни йўл қўйиладиган нормалардан ортиқ даражада чиқариб ташлашни назорат қилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 85/1-моддасига асосан 86000 сўм миқдорда жаримага тортилди.

«Хадра-нур» уй-жой мулкдорлари ширкати директори А.Абдуқодирова атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмасдан ҳазон ва шох-шаббаларни йиғиб ёққанлиги учун Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 88/3-моддасига асосан 30000 сўм миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

### ЭКОЛОГИЯ ХОНАДОНДАН БОШЛАНАДИ

ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНДАЛИК ОДДИЙ ИШЛАРДАН — ОҚИБ ТУРГАН ЖУМРАКНИ ТАЪМИРЛАШ, ОНГИЛ ҚОЛДА ЧИҚИНДИНИ ҲОҲЛАГАН ЖОЙГА ТАШЛАМАСЛИК ВА АВТОМОБИЛНИ ТЎҒРИ КЕЛГАН ЖОЙДА ЮВМАСЛИҚДАН БОШЛАНАДИ.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар қандай инсоннинг саломатлиги 20-25 фоизга атроф-муҳитнинг ҳолатига боғлиқ. Онкологик касалликларнинг 75-90 фоизи атроф-муҳитнинг турли салбий таъсирлари натижасида келиб чиқади.

Шаҳардаги, тумандаги, қишлоқдаги номақбул экологик шароити — заводларнинг тутаб турган қувурлари, тўйилган нефть, автотомобиллардан чиқётган чикинди газлари ва бошқалар тўғрисидаги муаммоларни таҳлил ва танқид қилишдан чарчамаймиз. Барчаси ҳақиқат — «макроэкология» яъни бизни ўраб турган атроф-му-

ҳит яхши бўлишини ис-таймиз, лекин «микро-экология» — яшаб турган хонадонларимиздаги иқлим, муҳит қанчалик жиддий бузилганлигини билган кўпчилигимиз ажабланасек керак.

Хонадонларда ҳам кўпчилик ҳолларда зарарли моддаларнинг белгиланган меъёрдан ортиқ кузатилади. Табиийки, бу албатта соғлигимизга салбий таъсир кўрсатади. Кичик экологик муаммолар улкан экологик муаммолардан фарқли ўлароқ осон назорат қилиниб, бошқарилиши мумкин, шу жумладан индивидуал шахс даражасида ҳам. Қандай шароитда яшаш, нима истеъмол қилиш,

нима ичиш ҳақида ўйлаш керак. Инсонлар бузилган экологиядан эмас, балки унинг таъсиридан келиб чиққан касалликлардан вафот этадилар. Масалан айрим маълумотларга кўра, аксарият касалликлар тозалик стандартларига тўғри келмайдиган сувдан фойдаланиш натижасида келиб чиқади. Лекин беморларнинг тиббий карталарида сув касаллиги ёки ҳаво синдроми деб ёзилмайди, балки гастрит, яра касаллиги, бронхит, ўпка ўсмаси деб ташхис қўйилади.

Аслида, касалликларнинг биринчи омили кундалик истеъмол қилинаётган сув ва на-

фас олинаётган ҳаво билан инсон организмга ўтган у ёки бу касалликни келтириб чиқарувчи зарарли моддалар ҳисобланади. Айрим ҳолларда, қонқарсиз атроф-муҳитнинг салбий таъсири бир неча, ҳатто ўн йиллардан кейин ҳам ўзини кўрсатиши мумкин.

Инсон ўз ҳаётининг аксарият қисмини ўз уйида ўтказиши. Шунинг учун хонадоннинг санитар ҳолати ва унинг қанчалик ободонлаштирилганлиги болавларнинг саломатлиги, ҳомилдор аёллар, қариялар, сурункали касалликлар билан касалланган беморлар учун муҳим аҳамият касб этади. Бу тоифага кирувчи инсонлар салбий ташқи омилларга ўта таъсирчан бўлади.

**Ф.ФАТХУЛЛАЕВ,**  
1-тоифали мутахассис

### Шифобахш ўсимликлар

### ҲОЙДАЛИ ЖИҲАТЛАРГА БОЙ

ТОПИНАМБУР (ЕРНОК) ЖУДА ҲОЙДАЛИ ВА МАЗАЛИ ЎСИМЛИК ҲИСОБЛАНАДИ. УНДАН ТИББИЁТДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИ, ШУНИНГДЕК, ОШҚОЗОН ЯРАСИ, ПАНКРЕАТИТ, ҚОН БОСИМИ, ПОЛИАРТРИТ, СЕМИРИШ, ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҲОЙДАЛАНИЛАДИ.

Топинамбур махсулоти қондаги глюкоза, холестерин концентрациясини пасаитиради, углевод ва ёғ алмашинувини нормаллаштиради, рак касаллигига қарши фаоллигини оширади, организмни радионуклидлардан тозалашда муҳим аҳамиятга эга.

Организминг иш қобилиятини, антистрессорлиги, иммуно-фаолловчиллигини, наркотикка қарши биологик фаоллигини оширади.

Махсулоти пульсинг бир текисда бўлмаслигига қарши таъсир кўрсатади, ундан қандли диабет, атеросклероз, семириш касалликларига моддалар алмашинувини яхшилашда фойдаланилади. Топинамбур махсулоти қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

- физик ва психологик зўриқининг ошиши, шунингдек, иш қобилиятининг пасаюиши ва тез чарчашида,
  - ўткир ва сурункали юқумли касалликлар профилактикаси ва даволанишида,
  - экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилганда,
  - атроф-муҳитга канцероген таъсир бўлганда,
  - ошқозон-ичак тракти функциясини тиклаш учун.
- Топинамбурни хом кўринишида истеъмол қилиш

мумкин. Мазаси турпга ёки редисга ўхшаб кетади. Баҳорда ҳали ҳеч қандай сабзавот йўқлиги пайтида тайёрланган топинамбур салати организм учун жуда фойдалидир. Бу салатни қуйидагича тайёрлаш мумкин. Тугунак худди сабзёдек тозаланиб, киргичдан чиқарилади, сувда қайнатилган тухумнинг қирқилгани билан аралаштирилади, кўкатлар, таъбга кўра туз, сметана ёки майонез қўйиб дастурхонга тортилади. Салатга яна салат барги, помидор ва олма ҳам қўшиш мумкин.

Тузли сувда қайнатилган топинамбур тугунаги гулқарамни эслатади. Уни яна духовкада пишириб ёғ билан истеъмол қилиш мумкин. Топинамбур аввал картошка сингари сувда пишириб олиб кейин қовурилади.

Топинамбурни пиёз ёки саримсоқ пиёз, сабзи, помидор шарбати ва уксус билан консервлаш мумкин. Қуритилган ва майдаланган тугунагидан парhezли кофе ичимлиги тайёрлаш мумкин.

Бундан ташқари поёси ҳам шифобахш ҳисобланади. Поёсини майдалаб қайнатилади, қайнатмасида ванна қабул қилинади у оёқ, бўғим оғриқларини даволашда, қон томиларининг фаолиятини яхшилашда анча

самаралидир.

Топинамбур саноатда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимликлардан бири бўлиб, уни қайта ишлаб шаклар-фруктоза, спирт олиш мумкин. Топинамбурнинг 100 килограмм хом махсулотидан 8 литргача спирт олинади. Олимлар таъкидлаганидек, барча ўсимликлар ичида ернок спирт олиш учун энг арзон хом ашёдир. Бу янги энергия манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари Латвияда топинамбурдан ачитки (дрожжа) олишининг самарали усулини топишган.

Топинамбур нафақат доривор ўсимлик, балки қишлоқ хўжалигида қимматбахо ем-хашак ўсимлиги ҳам ҳисобланади.

Топинамбур жуда ҳосилдор бўлиб 1 сотих ердан 200 килограмм ҳосил ва шу билан биргаликда 500 килограммгача қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун яхши силос ҳисобланган яшил масса олиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, топинамбур қишлоқ хўжалигида, саноатда, тиббиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимликдир. Н.И.Вавилов айтганидек бу ўсимлик келажак озуқасидир.

**Б.ХАТАМОВ,**  
1-тоифали мутахассис

### АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ ХОТИРА КЕЧАСИ

КУНИ КЕЧА РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВЕЛОЯТИ «TURO» АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИТИ БИЛАН «ОЗОД ЮРТНИНГ ОЗОД ФАРАНДИ» МАВЗУИДА АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ ХОТИРА КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, талаба-ёшлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданиятимиз вакиллари иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон олим ва ахборотлаштириш агентлиги бўлим бошлиғи Файзулло Азимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон Халқ ёзувчилари Ўткир Хожимов, Одил Ёқубов, «Тафаккур» журналі бош муҳаррири Эркин Аъзам, адабиётшунос олимлар Суома Фаниева, Муҳаббат Шарафиддинова, Ўзбекистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директори Тўра Мирзаев, академик Бахтиёр Назаров, профессор Абдуғафур Расулов ва бошқалар чиқишларида Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти, ижоди, адабиётшунос олим сифатида фаолияти, ўзбек адаблари ва шоирлари ҳақида ёзган илмий тадқиқотлари, ёшларга таълим-тарбия беришидаги, «Устоз-шоғирд» тизимида ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш, воёга етказишидаги, олим ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти, инсоний ҳислатлари, бағрикенглиги, мардлиги, жасурлиги, фидокорлиги, Истиқлол йилларидаги ижоди ҳақида фикр юритдилар.

Хотира кечасида олим ва мураббийнинг инсон ва ижодкор сифатида ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қирралари очилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

### ИЛК МУҲИМ ИЛМИЙ АДАБИЁТ

ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ БИРИНЧИ МАРТА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЗИМЛИ РАВИШДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН ДАРСЛИК ДУНЁГА КЕЛДИ. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ШУ ДАВРГА ҚАДАР ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БИРТОРА ҲАМ ДАРСЛИК ЯРАТИЛМАГАН ЭДИ. ШУ ЖИҲАТДАН ҲАМ Ф.МҲМИНОВ, А.НУРМАТОВНИНГ «ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ» ДАРСЛИГИ СОҲА ТАРИХИДА ИЛК ЙИРИК ИЛМИЙ АДАБИЁТ СИФАТИДА ЧУҚУР ИЗ ҚОЛДИРДИ.

Дарсликда жаҳон журналистикаси тарихини изчил ва хронологик-муаммоли тарзда ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Уни мутолаа қилган киши йиллар кетма-кетлигидан иборат сана ва маълумотлар эмас, балки ҳар бир тараққиёт босқичида муҳим ўрин тутган сабаб-оқибатлар, муаммо ва ютуқлар ҳақида фикр билдирилганига ишонч ҳосил қилиди.

Дарслик ўқувчи жаҳон журналистикаси тарихи бўйича ҳар томонлама кенг билим беради. Хусусан, шу даврга қадар бошқа мамлакатларда чоп этилган журналистика оид адабиётларда асосан Европа мамлакатлари тарихи таҳлил этилган. Жумладан, Россия журналистикаси соҳаси мутахассислари асарларда АҚШ ва Фарб олами журналистика тараққиётига урғу берилган. АҚШ мутахассислари эса, ўз мамлакатлари журналистикаси тарихи билан, ўрни келганда Англия матбуоти тарихи билан чекланишди. «Жаҳон журналистикаси тарихи» дарслиги муаллифлари эса шу давргача бошқа халқ олимлари кўп урмаган янги йўналишни очигина жам қилганлар. Улар Фарб оламидаги журналистика тараққиётини билан бирга кўна Шарқда ҳам мазкур соҳанинг туб илдизлари, тадрижий тараққиёти таҳлил этдилар. Чунинки, «Ислом Ренессанси давридаги оммавий коммуникациялар», «Хитой, Корея ва Япониядаги итиролар» каби фанлар, айникса, жаҳон журналистикасининг ўзвий тарихий қисми сифатида Туркистон матбуотининг ҳам қиритилиши дарслик муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган.

«Жаҳон журналистикаси тарихи» талабалар ва китобхона журналистика ва публицистика соҳаларининг тарихий тадрижий тараққиёти тўғрисида маълумот беради. Уларни барча замонавий талабаларга жавоб берадиган назарий ва амалий билим билан таништирилади. Дарсликнинг синхроник мутолаа қилган кишида ҳорижий ва миллий журналистика хусусиятларини муқоаса қилиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқ ажрата билиш салоҳиятини шакллантиради.

Дарсликда ҳар бир даврда қайси мамлакатда бутун дунё журналистикаси таъсир этган оламшумул воқеа ва итиролар юз бергани муаллифлар назаридан четда қолмаган. Тарихий инқилоблар даврида журналистика, АҚШ журналистикаси тарихида суъ ва матбуот эркинлиги масалалари билан боғлиқ турли суд ишлари ва уларнинг ечимлари, индустриал давр журналистикаси сингари фанлар ўқувчида соҳага қизиқиш уйғотиш билан бирга уларга чуқур билим беришга ҳам хизмат қилади.

Авал таъкидлаганимиздек, дарсликка миллий матбуот тарихининг ҳам энг нури саҳифалари қиритилганини ҳисобга олсак, ушбу илмий адабиёт ўз ўқувчиларининг миллий гурурини шакллантиришга ҳам сезиларли таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки миллий матбуотининг ҳам маълум маънода дунё журналистикаси тарихий тараққиётга ўз нуносиб улушини қўшигани дарсликда аниқ мисоллар, қизиқарли маълумотлар орқали келтириб ўтилган.

Тақризи сифатида мазкур илмий адабиёт бугунги кунда дарсликларга қўйиладиган барча талабаларга тўла жавоб беришини эътироф этишимиз истардим. Бинобарин, қисқа муддатда у талаб ва эътибар асосида икки бор нашр этилганлигининг ўзи ушбу фикрни тасдиқлайди.

**Н.ЖҲРАЕВА,**  
доцент

### ОДАМ САВДОСИ — ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТ

ОДАМ САВДОСИ — ХАЛҚАРО МИКЁСДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРДАН БЎЛИБ, ҲАР ЙИЛИ ДУНЁ БЎЙИЧА ТАХМИНАН 2,7 МИЛЛИОН НАФАР ИНСОН УШБУ ЖИНОЯТ ҚУРБОНИГА АЙLANADI.

Мамлакатимизда бундай жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Тошкент юридик коллежида ўтказилган «Одам савдоси — трансмилий жиноят» мавзусидаги давра суҳбатиди шу ҳақда гап борди. Тадбирда мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоблангани алоҳида таъкидланди. Бош қомусимизга мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солинмас, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини қамситувчи бошқа турдаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ушбу ҳуқуқий кафолатларнинг амалда тўла таъминланиши учун мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдосининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини янада кенгайтириш, уларга зарур ёрдам қўрсатиш ишлари мунтазам давом этмоқда.

Давра суҳбатига ёшларимиз бундай иллатлардан доимо огоҳ бўлиши зарурлиги таъкидланди.

(ЎзА)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Кадрланг ҳар нафас умри азизни.

Камондан учган ўқдек кетса қўлдин, У қайтмас, қайтаролмас кимса йўлдин.

Кишиким, умрини зое этар, кул, Тўкиб ўз қонини, ичғувчидир ул.

Магар шу неча кун тавба этарсен, Вале ул ўтган умрингни нетарсен?

Ёмонликларни таркин айласанг гар, Келурлар сенга не-не яхшиликлар.

Илм — оби ҳаётдир, кашфи асрор.

Унинг нури агар жонингга ургай, Дилинг ҳақ икки ул оламни кўргай.

Илм йўлида гар эрса саботинг, Етишгай сенга ул оби ҳаётинг.

Илм сорига юрсанг, тўғри тут йўл, Агарда чалғисанг, шайтон этар ул.

Агар топтоқ тиларсен мулки жовид, Сенга бир нон этар, оламга хуршид...

Тариқат не эмиш ул? Йўлни кўрмак — Ва энгил юз билан манзилга юрмак.

Бу дунё ичра мулки безавол йўқ, Ёниб ахтарма, андоқ бир камол йўқ.

Мунаввар ойда ҳам бор айбу нурилан.

Жаҳонда бир қарор бўлсайди бир дам, Кўрингай эрди кўзга ақлу жон ҳам.

Магарким бир сароб эрмиш бу дунё, Туш эрмиш, бир ҳубоб эрмиш бу дунё.

Бу чархнинг домига тушдингми сен, бас, У тортар ун қилиб донингни, қўймас.

Хизр дедиди, бу карвонсаройдир, Йўловчи бир кўниб ўтмоққа жойдир.

Жаҳонда борми бир орзу-хаволик, Магарким истамас ул подшолик?

На ҳуш айтмишдир ул аллома бир гал? Ки бир кун бўлса ҳам подшолик афзал...

Буюклар кўрдилар мулки бақони, Кепакка сотдилар даҳри фанои.

Бу дунё пардайн жонинг эмишдир, Вале дин шамъи иймонинг эмишдир.

Агарда от суриб, дунёни олсанг, Йиқилгай ул бари устинга, ўлсанг.

Не ҳолат сенга давлат, молу мулк чун, Бало бўлгай ўшал бошингга бир кун.

Йиғарсен молу давлат, ганж мунча? Еяолмассен ахир андин тариқча.

Чекиб гам, берма зўр нола, фироққа, Қутулган қуш яна тушмас тузоққа.

Магар йўқ ўз юкинга сабру тобинг, Халойиқ юкига қайдин шитобинг?

Фалак копток эрур, кез ҳамма ёғин, Тополмассен унинг боши, адоғин.

Агарчи эрса офтобдек камолинг, Етар шу мулк аро бир кун заволинг.

Назар сол, офтоби оламафрўз, Чиқиб кўк тахтига, яшноб очар юз.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНING МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА РАССОМ АЛИЖОН РАҲИМОВНИНГ «ТОҒДАГИ УЙ» НОМЛИ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ҲАЁТНИ, УМУМАН ТАБИАТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛГАН БАРЧА МАВЖУДОТЛАРНИ ҚУРШАБ ОЛГАН БОРЛИҚНИ ТЕРАН КУЗАТИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИЖОДКОРГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРДАН ҲИСОбЛанади. БИР ҚАТОР ЁРҚИН АСАРЛАРИ БИЛАН ТАСВИРИЙ САЊЪАТИМИЗНИНГ ЯНАДА БОЙИШИГА КАТТА ҲИССА ҚўШИБ КЕЛАётган РАССОМ АЛИЖОН РАҲИМОВ ҲАМ ТАБИАТГА ОШУФТА ИЖОДКОРЛАРДАН САНАЛАДИ.

Рассомликка бўлган қизиқиш Алижон Раҳимовни 1972-1976 йилларда П.Бенъков номидаги Республика рассомлик билим юртининг рангтаълим бўлимига етаклади. Билим юртини битиргач, Островский номидаги театр-рассомчилик (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат) институтининг «Китоб графикаси» бўлимида таҳсил олди. Институти тамомлагандан сўнг «Тиббиёт» нашриётида рассом-муҳаррир вазифасида ўз фаолиятини бошлади. Айтиш жоизки, Алижон Раҳимовнинг ранг-

тасвирдаги ижоди ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг энг сезимли мавзуси табиат манзараси бўлиб, барча ишларида она юртимизнинг бепоён кенгликларини, табиатнинг бирон бир фаслини томошабинга ўзига хос дастхат орқали етказишга интилади. Ижодкор табиатнинг бетакрор фурсункорлигини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис этади, чунки у ўша заминда туғилиб, ўсиб уни моҳирона тасвирлашга ҳаракат қилади. Табиат ва инсонни бирга, яъни табиат кўйида унинг ажралмас



бир қисми сифатида тасвирлашни хуш кўради. Уйчанлик, сокинлик, сукунат унинг асарлари руҳиятини белгилайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ижодкорнинг яратган дастхоти рангтаълимидан фарқли ўлароқ маҳобатли асарлари узок ўйлаб ишланган, ҳар бири ўз ишланажак жойига мос ва турлича кайфият билан ёндоштилган. Алижон Раҳимов 1991—97 йиллар орасида асосан кўглаб санаторий, клубларга деворий суратлар ишлади. Зеро рассом ўзини кўпроқ график сифатида намоян этади ва

ишларни турли техникаларда бажаради. Унинг турқум асарлари фалсафий мушоҳаданинг кучлиги, рассом кечинмаларининг рағзий ифодаланиши билан ажралиб туради. Бугунги кунда А.Раҳимов сермахсул мустақил ижод қилиш билан бирга Кўжон тасвирий ва амалий санъат коллежиди педагогик фаолиятини давом эттириб келмоқда. Унинг асарлари Кўжон Улқашунослик музейида, Ўзбекистон Давлат санъат музейида, Ўзбекистон Миллий Банкнинг тасвирий санъат галереясида, юртимиздаги ва бошқа кўглаб хо-

риждаги шахсий тўпламларда сақланмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси Алижон Раҳимовнинг ушбу кўргазмасида 100 га яқин рангтаъбир ва график асарлари намойиш қилинмоқда.

Гулором ҲАМИДОВА СУРАТЛАРДА: рассом Алижон Раҳимов кўргазмасидан лавҳалар. Владимир Гранкин олган суратлар

Миллий дастур — амалда

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАётган ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА КЕНГ КўЛАМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАРГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДАМИЗ. ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФИАТИГА, ШУНИНГДЕК ЎҚУВ МАСКАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БЕРИЛАётган ЭЪТИБОР, БУ КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР ВА ФАМЎРЛИКНИНГ АҚҚОЛ ИФОДАСИДИР.

Яқинда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан шахримиздаги умумтаълим мактабларининг ўқув ва маънавий ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари учун жойларда ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Шахримиздаги барча туманлар 5та худудга ажратилиб, 2 гуруҳда мутахассислар 8 та шўъбаларга бўлинган ҳолда тингловчиларга ҳар бир йўналиш ва мавзудан келиб чиққан ҳолда маърузалар ўқинди.

— Мазкур семинардаги маъруза мавзулари асосан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳусусида, жумладан 2008-2009 ўқув йили «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» деб номланганлиги ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3-босқич вазифалари ижроси, таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда уларнинг самарадорлигига таъсири ҳақидаги масалалар педагог ходимларнинг асосий маъруза мавзуларидан иборат бўлди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси умумий ўрта таълим ва дарслиқлар бошқармаси бошлиғи Шукр Бурханов. — Шу билан бир қатор-

да 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги турлари ва босқичлари билан тўлиқ қамраб олиш ва битирувчиларга умумий ўрта таълим ва ўрта маълумот тўғрисидаги шахадатномаларини бериш тартиби, ўқувчиларни дарслик билан таъминлашда ижара тизимидан фойдаланиш, раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш каби масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, таълим муассасаларида ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари ҳамда 2008-2009 ўқув йилида «Ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» ижроси, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг учинчи босқич вазифалари, «Мактаб ички бошқарув тизими мониторинги ва уни амалга оширишнинг усуллари», Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган Директор жамғармаси бўйича ўқитувчиларга устама белгилашда қўлланилган услублар ва мезонлар ҳамда давлат таълим стандартларига мос равишда ўқитувчиларнинг билим кўникиши ва малакаларини танловдан

ўтказиш ва баҳолаш сингари мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Жумладан, 2008-2009 ўқув йилида узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтариш дастурини амалга оширишда туман халқ таълими бўлими ва таълим муассасаларининг вазифалари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижроси каби долзарб бўлган масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Шўъба йиғилишлари қизиқарли савол-жавоб ва мунозаралар, давра суҳбатлари асосида ажунланди. Иштирокчилар семинардан сўнг тест синовлари орқали олган билимларини янада мустахкамлаб, ўз фаолиятларида самарали фойдаланадилар, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, семинардан кўзланган мақсад, ёш авлод таълим-тарбиясига масуул бўлган ўқитувчиларнинг касб малакаларини ошириш, таълим йўналишидаги ислохотларни изчил амалга оширишга жалб этиш, ўз касбларига бўлган масъулиятни оширишдан иборатдир.

Дилором ИКРОМОВА

Спорт янгиликлари

МАҲОРАТ МАШҒУЛОТДА ТОВАНАДИ

2009 ЙИЛГИ ФУТБОЛ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КўРАётган ЮРТИМИЗНИНГ АКСАРИЯТ ЖАМОАЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИГИНИНИ ТУРКИЯДА ЎТҚАЗДИ. ФУТБОЛЧИЛАР ЖИСМОНИЙ, ТЕХНИК ВА ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИДАН ТАШҚАРИ ЙЎНИ АМАЛИЯТИНИ ОШИРИШ УЧУН КўПЛАБ ХОРИЖИЙ КЛУБЛАР БИЛАН ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИДА МАЙДОНГА ТУШДИ.

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган мамлакатимиз чемпиони — «Бунёдор» (Тошкент) футболчилари ўртоқлик учрашувларида бирида Украинанинг «Заря» жамоаси билан куч синашди. Ушбу баҳсида «Бунёдор» мураббийлари асосий таркиб йўнчилари билан бирга Муҳиддин Худойеров, Баҳодир Пардаев, Шавкат Саломов, Маъруф Аҳмаджонов ҳамда Бахшилло Туроев каби умидли ёш футболчиларни синаб кўришди.

Мазкур беллашув тошкентлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Етмиш еттинчи дақиқада «Бунёдор»га Муборакнинг «Машъал» жамоасидан таклиф этилган тажрибали ҳимоячи Анвар Фофуров «Заря» дарвозасини ишғол қилиб, ҳамюртларимизнинг 1:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам миллий чемпионат ва Осиё чемпионлар лигаси беллашувларига жиддий ҳозирлик кўрмоқда. Пахтакорчилар Россиянинг «Урал» жамоасига қарши ўтказилган баҳсида ҳужумкор ўйин кўрсатди. Фарҳод Тожиев, Садриддин Абдуллаев ва Дилшод Шарофидинов томонидан киритилган голлар «Пахтакор»нинг 3:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Мамлакатимиз жамоалари иштирокидаги қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» (Андижон) — «Динамо» (Москва) 2:1, «Насаф» (Қарши) — «Локомотив» (Болгария) 0:0, «Бунёдор» (Тошкент) — «Кубань» (Россия) 1:3, «Локомотив» (Тошкент) — «МТЗ-РИПО» (Беларусь) 3:0, «Насаф» (Қарши) — «Сатурн» (Россия) 1:1, «Шўртан» (Фузор) — «Сеул» (Жанубий Корея) 0:1, «Пахтакор» (Тошкент) — «Днепр» (Украина) 1:5, «Локомотив» (Тошкент) — «Терек» (Россия) 1:1, «Машъал» (Муборак) — «Са-турн» (Россия) — 1:1, «Шўртан» (Фузор) — «Ожетпес» (Қозоғистон) 0:0.

«АРДУС» ПЕШҚАДАМНИ ЕНГАН

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЁШЛИК» СПОРТ МАЖМУИДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАётган ЎЗБЕКИСТОН XIII ЧЕМПИОНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ТУРИДАН МАРКАЗИЙ УЧРАШУВДАГИ «АРДУС» (ТОШКЕНТ) ВА «СТРОИТЕЛЬ-ЗАРАФШОН» (НАВОИЙ) ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ.

Мазкур беллашувда «Строитель-Зарафшон» футболчилари галаба қозongan тақдирда тошкентликлардан олти очкога ўзиб кетарди. Бироқ чемпионлик учун курашаётган

«Ардус» вакиллари пешқадамни 4:1 ҳисобида мағлуб этиб, очколар ҳисобида асосий рақобатчисига етиб олди. Голиб жамоа голларидан иккитасига Ж.Аноров муаллифлик қилган бўлса, М.Файзуллаев ва Ф.Фахруддинов биттадан гол киритди. Рақиб жамоанинг жавоб тўпи Х.Тожиев ҳисобига ёзилди.

«Ардус» жамоаси қолган учрашувларда «Турон-С»ни (Андижон) 6:1, «Букинай»ни (Зарафшон) 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Строитель — Зарафшон» футболчилари эса «Строитель-ПЭМ»дан (Навоий) 3:1, «Букинай»дан 7:2 ҳисобидан устун келди.

Қолган жамоалар ўртасидаги учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Турон-С» — «Строитель-ПЭМ» 7:6, «Чотқол» (Тошкент вилояти) — «Букинай» 3:4, «Строитель-ПЭМ» — «Чотқол» 4:2.

РИНГДА ПРОФЕССИОНАЛААР

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЧАРМ КўЛКОП УСТАЛАРИ РОССИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИККИТА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС КЕЧАСИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ОЧКОЛАРИНИ КўЛГА КИРИТДИ.

Санкт-Петербургда шайрида ўтказилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм кўлқоп устаси Шерзод Назаров ўзини кўрсатди. Профессионал боксчилик фаолиятини 2006 йилда бошлаган 24 ёшли боксчимиз саккиз раундлик жангда россиялик Александр Салтиковка қарши рингга чиқди. Беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимизга тажриба ва маҳорат бобида рақибидан устунлигини исботлаш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. Учрашувнинг тўртинчи раундида Ш.Назаровнинг кучли зарбаларини ўтказиб юборган А.Салтиков жангнинг давом эттирилмаслигини билдирди.

Ш.Назаров профессионал боксдаги ўн биринчи галабасини нишонлади. Кучли зарбага эга бўлган боксчимиз ўн та жангда рақибларини мuddатидан олдин мағлубиятга учратган.

Иккинчи мусобақада эса Равайн Худойназаров, Дониёр Раҳматуллаев ва Фарруҳ Каримов галабага эришди. Профессионал рингда кетма-кет беш мартаба зафар қўлган Равайн Худойназаров навбатдаги беллашувда россиялик Илёс Гусейновга қарши рингга чиқди. Учрашувда рақибидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган 24 ёшли боксчимиз олти раундлик жангда рақибини енгиб, навбатдаги рейтинг очкосини кўлга киритди.

Тажрибали боксчимиз Дониёр Раҳматуллаев Украинадан келган Дмитрий Богачукка қарши ўтказилган баҳсида рақибини очколар бўйича мағлубиятга учратди. Бу профессионал боксчилик фаолиятини 2005 йилда бошлаган уруғлик боксчининг ўнинчи галабаси сифатида қайд этилди.

Фарруҳ Каримов профессионал рингдаги биринчи учрашувини 33 ёшли Иван Гайванга (Молдова) қарши ўтказди. 22 ёшли боксчимиз тажрибали рақибига нисбатан жадал ҳаракат қилиб, кўпроқ зарба беришни уddалади. Натияжада Ф.Каримов тўрт раундлик жангни ўз фойдагисга хал қилди. И.Гайван эса фаолиятида илк мартаба мағлубият аламини тотиб кўрди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

куйдаги кафедралар бўйича бўш (вакант) «Банк иши» катта ўқитувчи, ассистент; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи; «Молиявий таҳлил» катта ўқитувчи; «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи; «Менежмент» катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи; «Аудит» катта ўқитувчи; «Математика» катта ўқитувчи; «Умумиқтисодий назария ва педагогика» катта ўқитувчи; «Чет тиллари» катта ўқитувчи; «Умумиқтисод мутахассисликлари бўйича чет тиллари» катта ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар» катта ўқитувчи; «Фалсафа» доцент, катта ўқитувчи лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати—эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ҳодимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 234-66-58 Ректорат

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 2005 йил 6 июлда Бобоназаров Асқар Анголович номига берилган 13391 рўйхат рақамли, 238645 сонли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Stals-LVUKS» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига тегишли FN №002636 рақамли гувоҳнома, М.Улуғбек туман ҳокимининг 1997 йил 8 декабрдаги қарорига асосан берилган №1102ХК сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 106

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4512 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта будимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонас. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6